



**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI**  
**ADLIYA VAZIRLIGIDA**  
**DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI**  
**RO'YXAT RAQAMI: 3113-6**  
**2021 - yil 01 - aprel**

**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING**  
**БУЙРУҒИ**

**Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби**  
**тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги 320-сон “Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон “Нотариуслар томонидан айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маъмурий регламентларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорларига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 4 январдаги 2-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3113, 2019 йил 4 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 1-2-сон, 18-модда) билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Адлия вазири**



**Davletov R. K.**

Тошкент ш.  
2021 йил 01 апрель,  
10-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг  
2021 йил 1 апрелдаги  
10-мқ-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги  
йўриқномага киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. 3-бандда:

учинчи хатбоши “паспорти” деган сўздан кейин “(идентификация ID-картаси)” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

олтинчи ва саккизинчи хатбошилар “яшаш гувоҳномаси” деган сўзлардан кейин “(идентификация ID-картаси)” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 3<sup>1</sup>-бандда:

иккинчи хатбоши “паспортга” деган сўздан кейин “(идентификация ID-картасига)” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи хатбоши “яшаш гувоҳномасига” деган сўзлардан кейин “(идентификация ID-картасига)” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

еттинчи хатбошидаги “ва доимий пропискасиз” деган сўзлар “(идентификация ID-картасисиз) ва доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинмаган” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 12-банднинг биринчи хатбошисидаги “доимий ёки вақтинча прописка қилинган (ҳисобга олинган)” деган сўзлар “доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 24-банднинг олтинчи хатбошисидаги, 60 ва 79-бандларнинг бешинчи хатбошиларидаги “доимий ёки вақтинча прописка қилинган (ҳисобга олинган) манзили, паспорти” деган сўзлар “доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзили, паспорти (идентификация ID-картаси)” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 27-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар ўртасидаги кўчмас мулк олди-сотди шартномаларини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон қарори билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни тасдиқлашнинг маъмурий регламентига мувофиқ амалга оширилади.”.

6. 29-банднинг учинчи хатбошиси ва 152-банд “паспорти” деган сўздан кейин “(идентификация ID-картаси)” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. 35-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“35. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 218 ва 224-моддаларига асосан, умумий улушли мулк иштирокчиси ўзининг улушини бошқа мулкка айирбошлаганида ёки уни бошқача тарзда ҳақ эвазига ўзга шахсга берганида, мазкур Йўриқноманинг 30 – 34-бандлари ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон қарори билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни тасдиқлашнинг маъмурий регламенти қоидалари қўлланилади.”.

8. 2-бобнинг 2, 4, 5, 12 ва 14-параграфлари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

9. 74-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги, 87-банднинг бешинчи хатбошисидаги, 90-банднинг иккинчи хатбошисидаги ва 92-банднинг биринчи хатбошисидаги “доимий прописка қилинган” деган сўзлар “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган” деган сўзлар билан алмаштирилсин.